Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№125 (4820).
3 июнь 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЖАҲОНГА ТИНЧЛИК

2 июнь куни Тошкент чинни заводининг қолиплаш цехида: «Урушга йўл қўймаймиз!», «Йўқолсин ядро қуроли!», «Жаҳонга тинчлик!» сўзлари ёзилган шиорлар ва транспарантлар кўтарилди. Корхонанинг юзлаб меҳнаткашлари тинчлик учун, ядро хавфига қарши оммавий ҳаракат ҳафталигига бағишланган кўп кишилик митингга йиғилдилар. Митингда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент VII Халқаро кинофестивалининг меҳмонлари иштирок этдилар.

— Америка империализмининг сиёсати сабабли халқаро вазият кескинлашган бир шароитда ленинча тинчлик стратегиясини актив равишда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади, — деди митингда сўзга чиққан завод рассоми Дилбар Орифжонова. — Мен ва ўртоқларим Советлар мамлакатининг Коммунистик партияси ишлаб чиққан ҳамда кескинликни юмшатиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг ишончли йўлини кўрсатиб турган Тинчлик программасини чин қалбдан қўллаб-қувватламоқдамиз.

Митингда СССР халқ артисти А. Згуриди, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Светлана Светличная, Марокашдан келган режиссёр Бин Сухайл Барка, Коста-рикалик режиссёр Виктор Вега, Вьетнам Социалистик Республикасидан келган киношунос Хоанг Тхань ҳам сўзга чиқдилар.

Митинг иштирокчилари аклидрок, адолат ва эзгулик кучлари ғалаба қозонишига қатъий ишонч билдирдилар. Улар БМТ қароргоҳига, БМТ Бош Ассамблеясининг II мажлисига юборишга карор килинган резолюция қабул этдилар.

(ЎзТАГ).

Тонгги газеталарда

⊙ Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Жаҳон Демократик Ёшлар Федерациясининг XI Ассамблеяси қатнашчиларига йўллаган табриги эълон қилинган.

⊙ 2 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегациясининг расмий дўстлик визити билан СССРга келган ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак бошчилигидаги ЧССР партия-ҳукумат делегацияси билан музокаралари бўлиб ўтди.

Ҳар иккала делегация СССР билан ЧССР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг интернационал муносабатлар мустаҳкам негизи сифатидаги аҳамиятига юксак баҳо берди.

Музокаралар қардошлик, бирлик руҳида ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фикрлар батамом мос келган вазиятда ўтди.

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари—ҳаётга

БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ВАЗИФА

КПСС XXVI съезди аҳолининг юқори сифатли ва хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришни ўн биринчи беш йилликнинг энг муҳим вазифаларидан қилиб қўйди. Эндиликда партия ва халқ мана шу катта вазифани бажариш йўлида қунт ва ғайрат билан меҳнат қилмоқда, турмушимиз фаровон, Ватанимиз янада қудратли бўлиши йўлида бутун чораларни кўраяпти.

КПСС Марказий Комитетининг куни-кеча матбуотда эълон қилинган материаллари, 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программаси тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардир. Бу партиямизнинг КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича белгилаётган катта тадбирларининг яхши ифодасидир.

Заводимиз ишчи ва хизматчилари «Озиқ-овқат программаси» билан атрофлича танишиб чиқдилар. Унда деҳқончилик ва чорвачиликни янги техника асосида комплекс механизациялашни ҳамда саноатнинг озиқ-овқат тармоқларини қайта куроллантиришни 1990 йилгача бўлган даврда асосан тугаллашни биринчи даражали вазифа қилиб қўйилганлигига эътибор бердилар. Шу мақсадда мамлакатимиз саноати қишлоқ хўжалигига ўн йил мобайнида 3.740—3.780 мингта трактор, 1.170 мингта дон комбайни ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари етказиб берар экан. Бу катта вазифанинг бажарилишида Тошкент трактор заводи коллективининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади.

Коллективимиз шу беш йиллик охиригача юз от кучини ва ундан ҳам қудратлироқ тракторларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қувватларни юзага келтиради. Пахтакор деҳқон қанча сифатли, мустаҳкам, серунум техникага эга бўлса, иши ҳам шу қадар осонлашади, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун яхши имкониятларга эга бўлади.

Заводимиз коллективи ўтган йилдаги социалистик мусобақа якуни бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганди. Тракторсозлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи йилида ҳам юқори суръат билан меҳнат қилишаяпти. Корхонада янги қувватлар барпо этиш бўйича қилинаётган ишлар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни ортиғи билан бажаришимизга халақит бермаяпти. Январь-май ойлари мобайнида конвейердан 10 мингтадан ортиқ трактор тушириб олинди. Шундан 180 таси планга қўшимча тайёрланди. Прицеплар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар ҳам муваффақиятли адо этилди. Йил бошидан бери колхоз ва совхозларга жўнатилган техника воситаларининг катта қисми ҳозир 1982 йил ҳосили учун республикамизнинг бепоён далаларида давом этаётган курашда иштирок этмоқда.

Заводнинг барча цехлари ва участкаларида «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остидаги социалистик мусобақа тобора қизимоқда. Цехлардаги мусобақада ҳафтанинг биринчи куни ўтган беш кунликдаги меҳнат ғолиблари аниқланиб, рағбатлантирилади.

Корхонада кўпгина коллективлар меҳнатни тўғри ташкил этишнинг бригада методига ўтиб меҳнат қилаётганлиги яхши натижалар бераяпти. 24-цехдаги Л. Асеева бошлиқ пайвандчилар бригадасининг янгича усулда ишлаётганига анча бўлди. Бу коллектив асосан хотин-қизлардан иборат. Бригада аъзолари ўхшаш касбларни яхши билишади, ўзаро ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишади. Ишнинг пировард натижаларидан барчанинг манфаатдорлиги коллективни янада жипслаштирди, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бригада коллективи пайвандлаш участкасидаги М. Пехота бригадаси билан мусобақалашмоқда. Ҳафта якунлари бўйича аксарият А. Асеева бошлиқ пайвандчилар ғолиб чиқишаяпти.

Зарбдор ҳафталиклар бошланмасдан аввал бригада фаолиятига ҳар ойда якун ясаларди. Ҳозир эса ҳар ҳафта бошида якун ясалаётганлиги камчиликларни тезроқ илғаб олиш, узоқни кўзлаб меҳнат қилишда муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Шу кунларда бригаданинг ҳар бир ишчиси смена топшириқларини ўртача 115-120 процент адо этаяпти.

В. РАЗЗОКОВ.
СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишчиси.

ЛОЙИҲА ТАЙЁР

Шаҳримиздаги Бутуниттифоқ «Гипрорис» институти коллективи СССР ташкил топган куннинг 60 йиллик юбилейи шарафига кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқда. КПСС XXVI съезди қарорларини сидқидилдан амалга ошираётган коллектив ерларни суғоришнинг янги-янги лойиҳалари устида муваффақиятли иш олиб бормоқда.

БУГУН

институт коллективи ана шундай лойиҳалардан навбатдагисини ниҳоясига етказди. Қорақалпоғистон АССР-нинг Тельман номли совхози учун мўлжалланган ушбу лойиҳанинг бош инженери М. Шапиро.

Ана шу лойиҳа асосида бир минг икки юз гектар сувсиз ерлар ўзлаштирилиб, суғориш ишлари амалга оширилади. Турли комплекслар бунёд этилади.

Институт филиали ходимлари бундан ташқари Тошкент области ҳамда Фарғона, Самарканд, Сурхондарё ва бошқа республикалар учун ҳам кўплаб лойиҳалар тайёрланди.

КИЧКИНТОЙЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча пойтахтимиздаги Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишлаб халқ сайли ўтказилди. Истироҳат боғи Собир Раҳимов районидаги бўлчалардан келган кичкинтойлар, ота-оналар билан гавжум бўлди. Болалар байрамига бир группа болалар шоирлари ҳам ташриф буюришди. Болаларнинг севимли шоири, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Қуддус Муҳаммадий, шоир Илёс Муслим, ёш шоир Аҳмад Тошхўжаев ўзларининг кувноқ шеърларидан ўқиб бердилар.

Шеърхонликдан кейин байрам концерти намойиш этилди. Унда Абдулла Набиев номидаги пионерлар уйи қошидаги болалар дуторчи қизлари ва хотин-қизлар клуби қошидаги «Гунча» ансамблларининг чиқиши ҳаммага манзур бўлди. Бу ерга ташриф буюрганлар яна кўпгина тадбирларнинг гувоҳи бўлишди: район китобсеварлар жамияти ташкил этган кўргазма, асфальтга расм чизиш мусобақаси шулар жумласидандир.

Кичкинтойларга бағишлаб ўтказилган ҳалқ сайлининг сўнгида Муҳиддин Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармониясининг Тўхтасин Жалилов номли ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ва солистлари ижросидаги концерт томошабинларга кўрсатилди.

Н. ИНОҚОВ.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-82

«ЯНА ТОШКЕНТДА УЧРАШГУНЧА, ХАЙР!» — КИНОФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИ АНА ШУНДАЙ ДЕМОҚДАЛАР

МИННАТДОРМИЗ

Корал ЧАЛА,
кинотанқидчи, Венгрия Халқ Республикаси.

— Мен Тошкентдаги Халқаро киноанжуманда биринчи бор иштирок этаяпман. Биз бу ерга ташриф буюрган Будапештда нашр этиладиган «Фильм культура» ва «Фильм-театр-музика» журналларининг бош муҳаррирлари, журналист ва кинотанқидчилар Тошкентда ўтаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро киноанжуманига таклиф этишгани учун фестиваль ташкилий комитетидан бениҳоя миннатдормиз. Биз ана шу улкан киноанжуманда қатнашиб, уч қитъа кинематографчиларининг янги асарларини томоша қилиш, улар билан ижодий учрашувлар ўтказиш шарафига муяссар бўлганлигимиз билан бирга энг гўзал шаҳар Тошкентни томоша қилаётганимиздан ҳам фахрланамиз. Бу ерда кўпгина ташкилий тадбирларда иштирок этдик. СССР ҳалқлари дўстлиги монументи очилишида, республика киночилар уйи очилишига бағишланган тантаналарда бўлдик. Шунингдек Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишдик. Менда айниқса Тошкент ва Бухородаги қадимий меъморчилик обидалари билан бирга уларга уйғун равишда қад кўтарган янги меъморчилик ансамбллари катта таассурот қолдирди.

Шу билан бирга биз учун ўзбек халқининг бениҳоя бағри кенглиги, меҳмондўстлиги ва ажойиб саҳовати янада унутилмас бўлиб қолади Республика киночилар уйининг янги биносини жуда оригинал лойиҳа асосида қурилган улкан меъморчилик иншооти дегим келади. Бу ерда киносанъаткорлари ўз ижодий режаларини янада самарали амалга оширишлари учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Шу иншоотда яратиб берилган шароитларнинг ўзиёқ советлар мамлакатида санъаткорларга партия ва ҳукумат кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликни яққол ифодалаб турибди.

Биз ўз ватанимизга қайтгач, Тошкентдаги ана шу учрашувлар ҳакида, фестиваль муваффақиятини таъминлаган унинг ташкилий комитети амалга оширган ибратли ишлар ҳақида, қуёшли Ўзбекистоннинг бугунги куни ҳақида фахр билан ҳикоя қилиб берамиз.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР

Будьмен БАДРИДДИН, кинорежиссёр, Жазоир.

— Биз Халқаро Тошкент кинофестивалида Жазоир мустақилликка эришган куннинг 20 йиллигига бағишлаб яратилаётган ўнта бадиий кинолентанинг дастлабки фильми — «Ҳодисалар» картинасини намойиш этдик. Фестивалда илк бор кўрсатилган новеллалардан иборат бу картина мустамлакачилар томонидан Жазоир халқи нечоғлик оғир азоб-ўқубатларга солинганлиги, халқ қалбида босқинчиларга нисбатан авж олиб бораётган нафрат ҳақида ҳикоя қилади. Биз бундан кейин яратиладиган қолган тўққиз фильмда халкнинг мустамлакачиларга қарши биргаликда бош кўтариши, халқ революциясини таъминлаган шарт-шароитларни босқичма-босқич тасвир этиб борамиз. Халқ оммаси сиёсий онги ўсиши, мустақилликка эришиш учун кураш кенг тасвирланган ана шу дастлабки кинолента таниқли Жазоир журналисти ва ёзувчиси Зор Зерари қаламига мансуб бўлиб, бу жасоратли аёлнинг ўзи ҳам босқинчилар томонидан кўп бор қийноққа дучор қилинган эди.

Биз ўз фильмларимизда империализмнинг босқинчилик сиёсатига қарши Жазоир ватанпарварлари олиб борган курашни кўрсатиш билан ҳали ана шундай кураш давом этаётган бошқа мамлакатлар халқлари билан ҳамдард эканлигимизни изҳор этамиз. Ўз тажрибаларимиз ҳақида ҳикоя қилиб, муштарак мақсадли кучларнинг эзгу ишларига мадад берамиз. Зотан, бугун ўз ишини якунлаётган Халқаро Тошкент фестивали ана шундай улуғ ниятли санъаткорларни бир-бирига яқинлаштиришда муҳим воқса бўлди. Фестиваль муҳим ғоявий қурол-кинодан халқларни ўз-ўзига танитиш, ижтимоий тараққиёт учун биргаликда курашишга даъват этиш учун фойдаланишга чақиради. Тошкент фестивалининг ана шу олийжаноб вазифасини биз прогрессив йўналишдаги экран усталари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Келгуси фестивалларда кўришгунча хайр, унутилмас учрашувлар шаҳри, Тошкент!

ҲАМДЎСТЛИК АНЖУМАНИ

Октавио КОРТАСАР, кинорежиссёр, Куба.

— Бугун ўз ишини муваффақиятли якунлаётган VII Халқаро Тошкент кинофестивали биз уч қитъа кинематографчилари учун ҳақиқий байрам, ҳамдўстлик анжумани бўлди. Менинг бу ерга биринчи бор келишим бўлса-да жаҳондаги эзгу ниятли кино усталарини ўз бағрига тўплаган Тошкент жуда катта таассурот қолдирди. Биз бу ерда Куба революциясини мустаҳкамлаш йўлида жасорат кўрсатаётган ватанпарварларимиз қаҳрамонлиги ҳақидаги «Чегарачилар» номли бадиий ва бошқа кўпгина ҳужжатли картиналаримизни намойиш этдик. Ижодий учрашувлар ва мулоқатлар мобайнида ажойиб дўстлар орттирдик. Улар халқлар озодлиги, тенглик ва адолат учун курашда экран санъатини ўзларининг муҳим ғоявий қуроли деб билган етук санъаткорлардир.

Шу билан бирга Тошкент фестивали биз уч қитъа киноусталари учун ўз ижодий маҳоратимизни оширишда, ғоявий позициямизни мустаҳкамлашда, имкониятлардан моҳирона фойдаланишда ҳақиқий ижодий мактаб бўлиб қолди.

Мен дўстлик шаҳри Тошкент билан, ҳамфикр, муштарак мақсадли экран усталари билан хайрлашар эканман, бу ердан олган бой таассуротларимни, Тошкентнинг қайноқ меҳрини олис Лотин Америкасига, социализм йўлидан дадил қадам ташлаётган Кубага олиб қайтарканман, анжуманлар ва дўстлик форрумлари шаҳрининг олийҳиммат, саҳоватли кишиларига миннатдорчилик билдираман. Биз бундан буён яратиладиган энг сара фильмларимизни ҳам навбатдаги халқаро Тошкент фестивалларига бажонидил олиб келамиз.

ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Наби РАҲИМОВ,
СССР халқ артисти.

— Ҳар икки йилда ўтказилаётган уч қитъа мамлакатлари Халқаро Тошкент кинофестиваллари биз ўзбек санъаткорлари учун ҳам илҳомбахш ижодий манба, маҳорат синовқ бўлмоқда. Ўтган барча фестивалларда бўлгани каби бу йилги кино анжуман, шу маънода биз учун ҳам, пойтахтимизга ташриф буюрган уч қитъа экран усталари, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларидан келган фестиваль меҳмонлари учун ҳам унутилмас ижодий мулоқатларга бой бўлди.

Ўзбек экран усталари ўзларининг энг яхши картиналарини улар ҳукмига ҳавола этишди. Фестиваль матбуот конференцияларида, тантанали йиғилишлар ва ижодий учрашувларда, баҳс-мунозараларда Тошкент кинофестивалининг тараққиётга хизмат қилаётганлиги, экран усталарини халқлар озодлиги ва дўстлиги учун курашга сафарбар этаётганлиги кўп бор таъкидланди. Биз айни пайтда уч қитъадаги ривожланган ва энди ривожлана бошлаган мамлакатлар кинематографчиларнинг фестивалга тақдим этилган ранг-баранг картиналари билан танишишга муяссар бўлдик. Бу картиналар Тошкент фестивали шиори ва руҳига ҳамоҳанг масалалар кўтариб чиқилганлиги, улар халқлар ўртасидаги муштарак мақсадларга хизмат қилаётганлиги жиҳатидан айниқса диққатга сазовордир. Бу фильмларда уч қитъа экран усталарининг ижодий маҳоратлари тобора ўсиб бораётганлиги, ғоявий позициялари янада теранроқ акс этаётганлиги кўриниб турибди. Бу биз учун қувончли ҳол деб биламан.

Биз бугун ажойиб юртимизга ташриф буюрган ҳамкасб дўстларимиз билан хайрлашар эканмиз, уларга келгуси Тошкент анжуманларида яна дийдор кўришгунча соғсаломатлик ва ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

ҚАТЪИЙ ИШОНЧ

1 июнда ижодий мунозара ниҳоясига етди. Бу мунозара чоғида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII Халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонлари тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кино ролини янада ошириш проблемаларини муҳокама қилдилар.

Япониялик кинотанқидчи Кадзуо Ямада, Монголиядан келган режиссёр Бадрах Сумхуу, ўзбек режиссёри Шуҳрат Аббосов, Куба кинематографиячиси Серхио Хираль, Малилик кинорежиссёр Исса Траоре ва бошқалар тараққийпарвар санъат арбобларининг ўз асарларида инсонпарварлик юксак идеалларини қарор топтиришга, ер юзида тинчлик учун ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун, термоядро уруши хавфига қарши курашга интилаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Турли мамлакатлардан келган нотиқлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги VII Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномаси катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу табрикномада барча илғор экран усталарининг вазифалари аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб берилган. Кинематографчилар ўз ижодий режалари, замонавий кино санъати ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ўйлари билан ўртоқлашдилар.

С. ФРОЛОВА,
О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.



Кинофестиваль қатнашчилари билан самимий учрашувлар.



Л. Глауберзон фотолари.

Фестиваль шаҳри ҳақида фильм

Форнай ЭМИЛЬ,
режиссёр, Чехословакия Социалистик Республикаси.

— Биз Осиё, Африка, ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро кинофестивалида меҳмон сифатида иштирок этаётганимиздан, жаҳоннинг ана шу улкан киноанжуманига келган таниқли кино арбоблари билан учрашишга муяссар бўлганлигимиз билан бехад фахрланамиз. Шуниси диққатга сазоворки, биз бу ерга фестиваль кунларида ажойиб имкониятдан фойдаланиб иккита қисқа метражли ҳужжатли кино ленталарни суратга олиш ниятида ҳам келдик. Улардан бири Ўрта Осиёдаги энг қадимий ва навқирон, ўзининг 2000 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Тошкент ҳақида бўлса, иккинчиси ҳозир ўтаётган Халқаро киноанжуман ҳақидадир. Биз ушбу картиналарда жаҳондаги тинчликсевар, меҳмондўст, халқаро анжуманлар шаҳри Тошкент ва ер шарида халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, социал тараққиётга катта ҳисса қўшадигаз Тошкент киноанжумани ҳақида ўз томошабинларимизга ҳикоя қилиб берамиз. Бу фильмларни суратга олиш учун Тошкентнинг кўп жойларида бўлдик. Бизни бу кўркам шаҳарнинг ям-яшил хиёбонлари, янги меъморчилик ансамбллари ва архитектура иншоотлари, турар жой микрорайонлари жуда мафтун қилди. Айниқса, В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройининг мухташам биноси ўзининг архитектура кўриниши жиҳатидан бизни қойил қолдирди. Бу ерда ҳар куни катта тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўляпмиз. Хусусан, СССР халқлари дўстлиги монументи очилишида, бошқа қатор ташкилий тадбирларда иштирок этганлигимиз шулар жумласидандир. Ҳозиргача Тошкент манзаралари, унда ўтаётган фестиваль ҳақида кўпгина ленталарни суратга олдик.

Биз оператор Марко Павель билан ҳамкорликда Тошкент фонтанлари ҳақида ҳам, шунингдек бензин ўрнига арзон ёқилғи газда юраётган Тошкент таксилари ҳақида ҳам айрим сюжетларни суратга олиш ниятимиз бор. Бу ҳужжатли ленталар бизнинг меҳмондўст Тошкент шаҳрига муҳаббатимиз рамзи бўлиб қолади. Айни пайтда халқлар ўртасидаги дўстликка ўзининг меҳмонновозлиги билан ижобий таъсир кўрсатаётган гўзал шаҳар ҳақидаги фильмларимиз жаҳон халқларининг муштарак мақсадлар учун биргаликда иш олиб боришига қўшилган ўзига хос ҳисса бўлади.

Адолатли кураш билан бирдамлик

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги вакилларининг 2 июнь куни «Баҳор» концерт залида бўлиб ўтган ва Лотин Америкаси халқларининг империализмга қарши кураши билан бирдамликка бағишланган митинги қатнашчилари «Озодлик ва мустақиллик учун жасур курашчилар, биз Сизлар билан биргамиз!» дедилар. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро кинофестивалининг қатнашчилари билан меҳмонлари ҳам бу ерга келдилар.

— Биз океанлар ва қитъалар оша, ўн минглаб километр масофа оша Лотин Америкаси ватанпарварларига — реакция ва фашизмга қарши, ўз мамлакатларининг демократик тараққиёти учун курашаётган ватанпарварларга саломимизни йўллаймиз, — деди ўз нутқида Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. А. Губина. — Совет кишилари, Ер юзидаги барча софдил кишилар уларнинг мардонавор ва адолатли курашини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Биз аминмизки, эрксевар Чили халқи қонли хунта жаллодларининг жабр-зулмидан халос бўлади, АҚШ империалистларининг Сальвадордаги одамлари Фарабундо Марти номидаги Миллий озодлик фронти қаҳрамонона кучларидан қақшатғич мағлубиятга учрайдилар. Биз шиддатли жангда ғалаба қозонган Никарагуа ватанпарварларининг муваффақиятларини табриклаймиз. Биз АҚШ ва унинг гумашталари кирдикорларига қарши Куба халқи билан биргаликда қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, СССР халқ артисти Н. В. Мордюкова ўз нутқларида империалистик давлатларнинг, биринчи навбатда Америка Қўшма Штатларининг сиёсий ва иқтисодий экспансиясига қарши курашни тўхтатмаётган Лотин Америкаси халқлари билан қардошларча бирдамлик тўғрисида гапирдилар. Америка Қўшма Штатлари куролланган малайларнинг қўли билан, ҳар хил жазо чоралари ёрдамида миллий озодлик ҳаракатини бўғиб қўйишга уринмоқда.

Сальвадордан келган кинорежиссёр Ноэ Арнольдо Валядарес, никарагуалик ҳужжатли фильмлар режиссёри Альберто Мигель Торрес Лотин Америкасининг халқлари Совет мамлакати, жаҳондаги барча эрксевар халқлар томонидан берилаётган доимий ва муттасил мадад учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

Ҳинд танқидчиси ва сценарийчиси Вансанту Прабхакару Сатха империалистларнинг халқлар эрксеварлик руҳини бостириш йўлидаги беҳуда куч-ғайратлари муқаррар барбод бўлиши ҳақида, миллий мустақиллик йўлига ўтиб олган, ўз озодлиги учун курашаётган мамлакатларга қарши реакциянинг фитналари беҳуда эканлиги тўғрисида гапирди.

Митинг қатнашчилари халқларнинг озодлик ва социал тараққиёт йўлидаги адолатли курашида кино қудратли қурол эканлигини таъкидладилар. Прогрессив кинематографчилар суратга олган ленталар кишиларнинг ўз бахт-саодати йўлидаги фидокорона кураши тўғрисидаги ҳақиқатни бутун дунёга кўрсатмоқда, реакциячиларнинг қора ишлари ва шум ниятларини қаҳр-ғазаб билан фош этмоқда. (ЎзТАГ).

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАБ

1980 йилдаги маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлардан бери мамлакатимиз ҳаётида жуда муҳим воқеалар ва ўзгаришлар бўлиб ўтди. Биз бу вақт ичида коммунистларнинг энг катта анжуманн, яъни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди муваффақият билан ўтганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу анжуманларда мамлакатимизни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга истиқбол йўли белгиланди.

Партиямиз ўн биринчи беш йиллик планини — халқимизнинг фаровонлигини янада кўтаришга қаратилган кенг программани ишлаб чиқди. Бу программа совет халқи турмуш тарзини яхшилашдаги энг муҳим омиллар, яъни аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жой билан тўлиқ таъминлаш, меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш каби масалаларни ўз ичига олган. Собир Раҳимов район Совети депутатлари халқнинг юксак ишончини оқлаб район хўжалигининг барча соҳаларини юксалтиришга ўз улушларини қўшмоқдалар. Районимизни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг ўнинчи беш йилликдаги план ва мажбуриятлари шараф билан бажарилди. Ҳозирги кунда ўн биринчи беш йиллик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун барча куч ва имкониятлар ишга солинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларида берилган кўрсатмаларни районимиз меҳнаткашлари жанговар иш программаси деб билмоқдалар. Биз ички меҳнат ва маблағ ресурсларидан тежамкорлик билан унумли фойдаланиш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини лойиҳада кўрсатилган қувватига етказиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқаришини ўстиришга ҳаракат қиляпмиз.

Сайловдан-сайловгача ўтган даврда саноат корхоналарининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, кўпгина корхоналаримизда реконструкция ишлари олиб борилди. «Миконд», «Компрессор», «Геологоразведка», экскаватор ремонти заводлари, ўйинчоқлар, бош кийимлар фабрикалари, мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналарда катта қувватга эга бўлган янги ишлаб чиқариш корпуслари ишга туширилди. Шу туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш, айниқса халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини яхшилашда бирмунча юксалишга эришилди. Бу амалга оширилган тадбирлар эвазига 1980—1981 йилларнинг ўзида пландаги 10,5 процент ўрнига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 16,4 процентга, ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги эса 9 процентга ўсди. Жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 41,3 проценти Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда корхоналаримизда 118 турдаги маҳсулот Давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлган.

Қурилаётган объектлар планда кўрсатилган муддатларда топширилмоқда, топширилаётган объектларнинг сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Фан ва техника ютуқларидан тўла фойдаланилган ҳолда қурилаётган объектлар замонавий, халқимизнинг ўсиб бораётган талабларига жавоб берадиган бўлиши қурувчиларимизнинг диққат марказида турибди.

Қурувчиларимиз 1980—1981 йилларда ва 1982 йилнинг биринчи кварталида капитал қурилиш бўйича 75 миллион сўмлик иш қилдилар. Шу давр ичида 227,4 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, аҳолига фойдаланиш учун топширилди. Ўтган 1980 йилдаги сайловлардан буён районимизда 5000 дан ортиқ оила янги уйларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини ўтказди. Шу давр ичида барча қулайликлари бўлган комплекс турар жой массивларидан бири — «Тансиқбоев — 2,3» массивлари фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу массивда 3200 дан ортиқ оила истиқомат қилмоқда. Эски шаҳар қисмида «Марказ—17/18» массиви қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Бундан ташқари районимизнинг Беруний кўчаси бўйлаб «Б—1», «Б—2», «Б—3», Гуручариқ кўчаси бўйлаб «Марказ—22» каби янги турар жой массивлари қурилиб, бирин-кетин аҳолига фойдаланиш учун топширилмоқда.

Район Советининг ижроия комитети сайловчилар наказларининг бажарилишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. 1980 йилдаги сайловларда шаҳар ва район Совети депутатлигига номзодлар билан сайловчилар учрашувида 94 та наказ берилган эди. Ҳозиргача бу наказлардан 79 таси бажарилди.

Сайловчилар наказлари асосида икки йил мобайнида 3136 ўринли иккита мактаб, Тансиқбоев ва «Марказ 17/18» массивларида 960 ўринли тўртта болалар боғчаси қурилиб ишга топширилди. Районимиздаги умумий таълим мактаблари 29 тага, улардаги ўқувчилар сони эса 38092 нафарга етди. 56 та мактабгача болалар муассасаларида 14 минг кичкинтой тарбияланмоқда. Сайловчилар наказлари асосида Тансиқбоев массивида 33 ва 7-болалар поликлиникаларининг филиаллари очилди.

Аҳоли талабини янада тўлароқ қондириш мақсадида янгидан олтита озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи магазин, Қорақамиш колхоз бозори, 1080 ўринга эга бўлган ошхона ва кафелар қурилди.

Транспорт ва алоқа соҳасида ҳали планлаштирилган ишларимиз анчагина. Ҳозир буларни амалга ошириш тадбирлари кўриляпти. 8-троллейбус маршрутини Тансиқбоев массивигача узайтириш, Ниёзов ва Абдурахмонов кўчалари бўйлаб янги троллейбус маршрутларини очиш, Саиджон Калонов кўчасини кенгайтириб, Сатбон кўчасидан қатновчи автобусларни бу кўча орқали ўтказиш ниятидамиз.

Район Совети депутатлари сайловчилар наказларини бажара бориб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда ҳам анчагина ишларни амалга оширдилар. Ўтган икки йил мобайнида Тошкент Давлат университети олдида доҳий В. И. Ленин ҳайкали, Собир Раҳимов номли болалар боғида ўзбек халқининг севикли шоири Фурқат ҳайкали ва Собир Раҳимов майдонида биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳайкали ўрнатилди. Булар ҳозирги кунда районимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Янгидан барпо этилаётган дам олиш зоналари, хиёбонлар, яшил боғ-роглар кундан-кунга кўпаймоқда. «Қорақамиш—2/5» массивидаги дам олиш зонаси хашар йўли билан барпо этилмоқда.

Аҳмад Дониш кўчасининг очилиши туфайли районимиз Киров районининг Юнусобод массиви билан боғланди ва меҳнаткашларнинг ишга қатнаш учун сарфланадиган вақтлари бирмунча қисқарди. Фақатгина шу икки йил мобайнида районни ободонлаштириш ишлари учун қарийб 2 миллион сўм сарфланди. Ҳали бу соҳада ҳам режалаштирилган ишларимиз кўп.

Ўн биринчи беш йилликда бизнинг олдимизда катта вазифалар тўрибди. Жумладан эски шаҳар қисмидаги қурилиш ишлари якунланиб, Ойбек кўчасининг давоми очилиши лозим. 955 минг квадрат метр уй-жой қурилиши, савдо, маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар, мактаблар, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш объектларини қуриб ишга топшириш планлаштирилган. Ҳозирги кунда олиб борилаётган ишларимиз ана шу режаларни амалга оширишга қаратилган.

Шу кунларда халқ депутатлари маҳаллий Советларига ва халқ судларига сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин боряпти. Бу сайловларни ўтказиш учун районимизда 79 та сайлов участкаси тузилиб, 1200 дан ортиқ ишчи ва хизматчилардан тузилган сайлов комиссиялари иш олиб боришмоқда. Тошкент шаҳар Советига 52 киши, район Советига 200 ва халқ судьялигига 6 кишининг номзодлари кўрсатилиб, рўйҳатга олиндилар. Ҳозир депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан сайлов олди учрашувлари ўтказилмоқда.

Районимиз меҳнаткашлари, яқинлашиб келаётган маҳаллий Советларга ва халқ судларига сайловлар кунини ва СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида мусобақани қизитиб юборганлар. Сайловлар Коммунистик партия билан халқнинг жипслигини яна бир бор намойиш этишга ишончимиз комил.

М. ЗУФАРОВ,
халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси.

• *Бригада пудрати-қурилиш қудрати*

ИШГА ВИЖДОНАН ЁНДОШАЙЛИК

Пардозловчилик касби энг нозиктаъб, сермашаққат касблардан биридир. Бино қад ростлагандан кейин барча қолган юмушлар уларнинг зиммасида бўлади. Фойдаланишга топшираётган пайтда ҳам энг кўп масъулият уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Тўғри, битта объектни тиклаётган пайтда бунга алоқадор ўнлаб ташкилотлар қурилишда иштирок этадилар. Уларнинг ҳам хизмати катта, албатта. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Хўш, улар меҳнатни қандай ташкил қилишган? Сифат ва самарадорликка эришилаяпти?

Келинг, яхшиси сўзни баъзи объектда содир бўлаётган оддий воқеадан бошлайлик. Қурилишда технологик жараёнлар кўпол равишда бузилганлигини кўп бор кузатишимиз, табиий. Масалан, монтажчилар зарбдорларча ишлаб, устун арматурасини «эгишди», кейин гишт терувчилар кўтарма кранда гишт кўтаришиб, хонага олиб киришади-да, оралиқ деворлар тиклашни «қайтадан» бошлаб юборишади. Ёки яна монтажчилар кладовкани бузишиб, у ердан тиргович ва шунга ўхшаган бошқа «зарур» асбоб-анжомларни тортиб олишадиган бўлишади. Том ёпувчилар эса тўққиз қаватли бино тепасида сақич эритувчи салкам бир тонналик қозонни «унутиб» қолдиришади. Энди нима бўларкан? Эҳтимол вертолёт чиқаришга тўғри келар? Буларни кўриб, қайсики тажрибали қурувчига бу объектни бригада пудрати асосида қурилаётганини уқтиришганини эслайсан, киши.

Бошқа бир меҳнат жараёнини кузатайлик. Айтайлик, мана сантехник. Хўш, у нима иш билан шуғулланади? У квартирани санитария-техник жиҳатдан жиҳозлайди, эҳтиёт қисмларни улайди, пайванд қилади. Бу пайтда ўз-ўзидан маълумки, квартира бутунлай пардоздан чиқарилган, хуллас хона ичкариси ёғ тушса ялагудек ҳолатда бўлади. Сантехник буни яхши билади. Ортиқча ҳаракати билан тайёр ванна ёки ошхона деворларига шикаст етказиши мумкин. Ҳамма гап у ўз бурчини виждонан бажаришда.

25-қурилиш бошқармаси бинокорлари бунинг осон йўлини топишди. Электриклар, сантехниклар тайёр объектга келиши бикан «яхшилаб» гаплашилади. Қўлларига цемент, шпаклёвка тутқазишади. Операцияни бажараётган пайтда... деворга шикаст етса, мана марҳамат, ўзинг созлаб қўй! — дейишади.

Эҳтимол бу нарса кўпларга ноқулай туюлгандир. Лекин шуни тан олиш керакки, вақтдан ўзишда бу «операция» айниқса қўл келди. Натижада бошқарма графикдан ўзиб кетди. Комбинатдаги илғор коллективларга тенглашиб олди. Олдинлари планлар бажарилмас, ишчилар қўнимсизлиги авжида эди. Энди бўлса, буларга бутунлай барҳам берилди. Бошқармада меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси — бригада пудрати ҳам тобора такомиллаштирилмоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида қурилиш объектида бу методнинг биринчи шартномаси тасдиқланиб, амалда қўлланила бошланди. Натижаси чакки эмас.

Шундан буён ҳар бир объектда қурилиш кенгашлари ташкил қилинмоқда. Унинг составига тажрибали бригада бошлиқлари, инженер-техник ходимлар, лойиҳачилар киритилган. Кенгаш ишининг кўрсатмалари, хулосалари ишлаб чиқилган.

Албатта, биринчи қадам ҳамиша осон бўлавермайди. Ютуқларга ўз-ўзидан эришилавермайди. Шартнома тузилгандан кейин бошқармада графикларнинг ўсиши янада ортди. Биринчи квартал плани 102,5 процентга уддаланди. СССР ташкил топган куннинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафталикнинг 14-ҳафтасида 2-уйсозлик комбинати бўйича биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Коммунист Зинаида Коробка етакчилик қилаётган аҳил бригада коллективи эса бу ватанпарварлик ҳаракатнинг 15-ҳафтасида 2-ўринни эгаллади. Ғолиблар Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан муносиб мукофотланди.

Қурилиш бошқармаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини, СССР ташкил топган куннинг қутлуғ 60 йиллик тўйини меҳнатда муносиб совғалар билан нишонлаш иштиёқида нундан-кунга меҳнат беллашувини тобора кучайтирмоқда, қабул комиссиясига тайёр объектларни фақат «аъло» ва «яхши» баҳоларга топширишга эришаётир. Бошқарма коллективи бу йил 100 квадрат метр уй-жой қуришга, 33 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга қатъий азму қарор қилган. Кўпгина илғор рационализаторлик таклифлари киритилиб, улардан олинадиган соф фойда 6,2 минг сўмин ташкил қилади. Яна иккита бригада янги метод асосида иш олиб боради. Хўш, ана шу янги метод — бригада пудратининг омиллари нимада? Унинг афзал томонлари борми? Бу ҳақда бошқарма бригада етакчиларининг мулоҳазалари қандай?

О. РАҲМОНОВ,
пардозловчилар бригадасининг бошлиғи.

— Бригадамиз уй-жой биноларининг олд томонларига жило беришга ихтисослаштирилган. Очиғини айтганда, янги методнинг кўпгина афзаллик томонлари бор экан. Масалан, биринчидан, ҳамма тенгма-тенг ишлайди. Уларга ягона наряд асосида ҳақ тўланади. Иккинчидан, сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмайди, ишга кечикиб келувчиларга, прогулчиларга умуман барҳам берилган. Ҳозир биз тракторсозлар массивидаги объектда меҳнатни ана шу асосда ташкил қилганмиз. Бинонинг олд ва орқа кўринишларига ишлов беришни тугаллаяпмиз. Лекин, қилаётган ишимиз усти ялтироқ, ичи қалтироқ қабилида бўлиб қолмаслиги керак.

В. САВЕЛЬЕВА,
бўёқчилар бригадасининг бошлиғи.

— Нимага шама қилаётганиягизни фахмладим. Ахир биз бино ичкарисига жило берганмиз-да! Албатта гоҳида айрим нуқсонлар, камчиликлар ҳам учраб туради. Ҳозир бригадамизда 24 киши самарали меҳнат қилишади. Уларга бригада пудрати асосида ишлаётганимизни тушунтирганмиз. Бу ташаббус қўллаб қувватланди. Коллективимизда меҳнатни ташкил қилишнинг системаси ҳам такомиллашмоқда. Ишчиларимиз иккита зарбдор звенога бўлиниб, ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилмоқдалар. Лекин бу ўринда яна шуни айтиб ўтиш керакки, уй эгаларига квартира калитларини бериш арафасида бизни бошқа объектга кўчиришади. Натижада бино фойдаланишга топшириладиган мудатдан кечикади.

И. НИШОНОВ,
дурадгорлар бригадасининг бошлиғи.

— Шу кунларда биз пойтахтимизнинг «Марказ—17» микрорайонида фаолият кўрсатмоқдамиз. Менга айниқса, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг қуйидаги сермазмун сўзлари маъқул бўлди: «Яхши уюштирилган, самарали, таъбир жоиз бўлса, фаҳмфаросат билан ишлайдиган бригада — ишчиларнинг бошқарувчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг ҳақиқий мактабидир, ҳар қандай ижодий ташаббус кучи тажриба лабораториясидир». Жуда оқилона, доно сўзлар.

Бригадамизда меҳнатнинг янги ижодий формаси жорий қилинганлиги жуда яхши самара бермоқда. Моддий фонд ташкил топиб, натижада қурилиш материалларига хўжалик кўзи билан қаралмоқда. Ҳар бир квартира эшиги, дераза ва ромларини мустаҳкам ўрнатаяпмиз. Пардозловчиларга ҳам етарли иш шароити яратиб, улар ортиқча меҳнат сарф қилмасликлари учун, ўзимиз бажараётган ишимизни сифатли қилиб бажаряпмиз. Қурилиш материалларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланилмоқда. Жумладан, йил бошидан бери 12 куб метр ёғоч, кўплаб килограмм мих ва шунга ўхшаш бошқа материаллар ҳам иқтисод қилиб қолинди. Бригадамиз аҳил коллективи зарбдор ҳафталикларда фаол иштирок этиб, СССР ташкил топган куннинг 60 йиллигига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқда...

Бригада пудрати асосида ишлашнинг афзалликлари, қулай томонлари ўз-ўзидан аён. Лекин атрофимизда бу методсиз ишлаётганлар ҳам бор. Улар кўпчилик, ишларнинг суръати паст, умумий кўрсатгичдан фақатгина ўсиш эмас, балки ҳатто пасайишмоқда. 25-қурилиш бошқармаси раҳбарлари, илғор бригада коллективлари буни тушунган ҳолда бошқаларни ҳам ана шу метод асосида ишлашга жалб қилаётирлар, уларга керакли оталиқ ёрдами кўрсатаётирлар.

Шубҳасиз, аҳил бошқарма бинокорлари мавжуд резерв ва имкониятларни ишга солиб, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам янгидан-янги меҳнат муваффақиятлари билан якунлайдилар.

Ш. МАШАРИПОВ.



СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи коллективи йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани тобора кенг қулоч ёйдирмоқда. Сиз юқоридаги суратда корхонанинг бир туркум тракторларини қишлоқ механизаторлари хузурига жўнатиш тараддудини кўриб турибсиз.

• • •

Бадний буюмлар фабрикаси қошида 1979 йилдан бери корхона учун ишчи-шогирдлар тайёрловчи курс фаол ишлаб келмоқда. Бу курсни ҳар йили юздан зиёд талабалар битириб чиқяпти.

Пастдаги суратда корхона мастери Фарида Ҳошимовани курс тингловчилари билан амалий машғулот устида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов ва Х. Шодиев фотолари.



2 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ
3 ИЮНЬ, 1982 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

БЕРЛИН. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер ГДРга визит билан келган Мексика ташқи ишлар министри Хорхе Кастаньедуни қабул қилди.

Э. Хонеккер ГДР билан Мексика ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ҳозирги замон халқаро сиёсатининг энг муҳим масалалари, аввало тинчликни сақлаш ва таъминлаш масалалари юзасидан иккала мамлакат қарашларининг ўзаро мослигига асосланади, деди.

Империалистик доиралар ўтказаётган муҳолифлик йўли ва қуролланиш пойгасини авж олдириш сиёсати ер юзида тинчликка катта хавф туғдиради, деди ГДР раҳбари.

Э. Хонеккер ва Хорхе Кастаньеда қуролланиш пойгасига чек қўйиш, ядро қуролларини ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини қисқартириш соҳасида конкрет қадамлар қўйиш тўғрисида келишиб олиш асосий сиёсий вазифа эканлигини уқтириб ўтдилар.

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФА

ТРИПОЛИ. Саҳрои Кабирнинг қумли даштлари ва тошлоқ тепаликлари Африка жанубидаги энг катта давлатлардан бири — Ливия Социалистик Араб халқ жамҳириясининг деярли бутун территориясини эгаллайди.

Бундай шароитларда саҳро районларини ўзлаштириш мамлакатнинг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Ливия экономикасини ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган шу беш йиллик планида Ўрта Денгиз соҳилларида ирригация системалари комплексини қуриш ва артезиан қудуқларини пармалашга жиддий аҳамият берилмоқда.

Триполи, Бенгази, Тобрук яқинида суғориш комплекслари муваффақиятли қуриб битказилмоқда. Қуриб қолаётган дарёлар — ўзанларида дамбалар қурилмоқда. Қиш мавсумида ёмғир сувлари ана шу дарёлар орқали денгизга оқади ва тупроқнинг унумдор қатламини ҳам ювиб кетади. Айни вақтда марказий саҳро районларида топилган ер ости шўр сув йирик манбаларини тадқиқ этиш ҳам бошланди.

Янги ирригация системаларининг қуриб битказилиши ва ер ости сув запасларининг ўзлаштирилиши билан ливия қишлоқ хўжалиги фойдаланиш мумкин бўлган қўшимча минг гектар ерга эга бўлади.



Демократик Яманда йил сайин мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, шифохоналар сони кўпайиб бормоқда. Бу болалар — Адандаги болалар боғчаларидан бирининг тарбияланувчиларидир. Бу ерда 520 ўғил ва қиз тарбияланмоқда. БТА — ТАСС фотоси.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

КОБУЛ. Совет Иттифоқи уй ҳайвонларининг касалланишига қарши курашиш учун кўплаб миқдорда зардоб ва бошқа дори дармонларни Афғонистон Халқ Демократик республикасига совға қилиб топширди. Дори-дармонлар ветеринария бўйича Совет—Афғон комиссиясининг қарорига мувофиқ топширилди. Ўтган йили ана шу комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтган эди. АДР ҳукумати, деб хабар беради Бахтара агентлиги, бу ёрдам учун СССРга чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

• • •

ИСЛОМОБОД. Капиталистик мамлакатлар ривожланаётган давлатларнинг Ғарб капитал маблағига ва замонавий технологиясига қарамлигини кучайтириш учун мумкин бўлган ҳамма ишдан фойдаланмоқдалар, бу давлатларни қўшимча хом ашё оладиган ва ўз молларини сотадиган бозорга айлантиришга уринмоқдалар, деб ёзади Карочида чиқадиган «Бизнес рикордер» газетаси.

Бу қарамлик эса мустамлакачилик инг янги системасини вужудга келтиради. Мустамлакачи маъмурлар кетган бўлсалар ҳам, лекин собиқ мустамлака давлатларни ўз таъсир доираларида сақлаб туриш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

• • •

КОҲИРА. Ҳозирги вақтда Мисрнинг ташқи қарзи 17,5 миллиард фунтга етди, деди Миср Араб Республикаси экономика ва ташқи савдо министри Фуад Хошим Авад «Аш шааб» газетаси мухбири билан суҳбатда. Унинг тахмин қилишича, тўлов балансининг камомати тугатилмагунча, мамлакат қарзи бундан буён яна ҳам кўпаяверади. Министр кейинги ойларда давлат хазинасига валюта тушиши ҳам камайиб кетганлигини тан олди.

Маълумки, Миср бошидан кечираётган молиявий қийинчиликлар Садат вақтида эълон қилинган «очиқ эшиклар» сиёсатининг бевосита оқибатидир. Бу сиёсат миллий экономикадаги тангликни анча кескинлаштириб юборди.

• • •

ҚУВАЙТ. АҚШнинг Араб давлатларига нисбатан ўтказаётган сиёсати очиқдан-очиқ душманлик характерига эга бўлиб, бу давлатларга катта зарар етказади, деб ёзади Бирлашган Араб амирликларида чиқадиган «Ал-вахда» газетаси.

Газетада арабларни заифлантириш ва уларни Исроил олдида таслим бўлишга мажбур этиш мақсадида Регионда можароларни кучайтираётганлиги учун жавобгарликни Вашингтон зиммасига юклайди.

• • •

ДАМАШҚ. Бу ерда Сурия Араб Республикаси университетлари нашр этган китоблар кўргазмаси очилди. Кўргазмада 1900 га яқин илмий асарлар, дарсликлар ва турли фанлар ва билим соҳаларидан ўқув қўлланмалари қўйилган. Республиканинг тўртта университетида ҳам ана шундай кўргазмалар ташкил этилади.

• • •

УММОН. Ўтган йили Исроилнинг ҳарбий харажатлари рекорд миқдорда 63,1 миллиард шекеле (2,93 миллиард доллар)га етди. Бу эса мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 30 процентини ташкил этади. Исроил Марказий Статистика бюроси шуни хабар қилди. Бу маблағга ҳарбий лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун ажратилган йирик ссудалар ва турар жой кварталларида бомбадан пана бўладиган жойлар қуриш учун шахсий кишиларга берилган қарзлар кирмайди.

Экономиканинг милитарлаштирилиши Исроил меҳнаткашларининг елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда.

• • •

ТРИПОЛИ. Ливияда биринчи темир йўл магистралининг техникавий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу магистрал Рас-Садир, Триполи, Масурата ва Себха шаҳарларини боғлайди. Линиянинг узунлиги 1300 километр. Қурилиш ишлари шу йилдаёқ бошланади.

ХРОНИКА, ФАКТЛАР, ХАБАРЛАР

ПРАГА. Чехословакия пойтахтида очилган виставкада трамвайга тушиб... Ўтган асрга саёҳат қилиш мумкин. Шаҳардаги энг катта трамвай деполаридан бирида шу қадимги транспорт воситаларининг экспозицияси очилди. Болалар учун энг муҳими шуки, экспонатларга қўл тегизишлари, кондуктор кўнгирогини чалиб кўришлари, тормоз ғилдирагини айлантиришлари мумкин. Каттароқ ёшдаги томошабинлар эса виставкада ўтмишга мароқли экскурсия қиладилар, Чехия трамвайининг тарихи билан танишадилар. 1875 йилда ҳам йўловчилар ташиган кўнка тевараги томошабинлар айниқса кўп бўлмоқда.

• • •

ПАРИЖ. Франция пойтахтида сартарошларнинг 19-жаҳон конкурси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 32 мамлакатидан эркаклар ва хотин-қизларнинг энг яхши усталари қатнашдилар.

Конкурсга парижликлар ҳам, шунингдек Франция пойтахтининг кўпдан-кўп ажнабий меҳмонлари ҳам ғоят кизиқиб қарамоқдалар. Сартарошлар мусобақалашган салонларга юз мингдан кўпроқ киши кириб чиқди.

Италия ва Франция вакиллари конкурс ғолиблари бўлдилар. Итальянлар эркаклар прическасини энг яхши ижро этганликлари учун, француздар эса хотин-қизлар прическасини энг яхши бажарганликлари учун 1982 йил жаҳон кубоги ва олтин медалларини олдилар. Иккинчи ўрин ГФР сартарошларига ва учинчи ўрин Австрия сартарошларига берилди.

• • •

ЛОНДОН. Кўпчилик авиация фалокатларининг асосий айбдори ким? Англияда чиқадиган «Дейли миррор» газетасининг ёзишича, асосий айбдор ноқулай об-ҳаво, техник носозликлар ёки учувчиларнинг уқувсизлиги ҳам эмас, балки... энг оддий қушлардир. «Умумий бозор» мамлакатларидаги биологлар группасининг тадқиқот натижаларига кўра, паррандалар ҳозир учувчиларнинг кушандаси бўлиб қолган, деб ёзади газета. ГФР даги авиация фалокатлари ёки ҳаводаги ҳодисаларнинг 50 процентини қушлар келтириб чиқарган. Қуш галалари билан тўқнашув натижасида қирувчи самолётларнинг кабиналари тешилмоқда, учувчилар оғир жароҳатланмоқда, улкан пассажир ҳаво кемаларининг қанотларида тешиклар пайдо бўлмоқда. Биологларнинг қилган доклади ушбу проблема илк бор муфассал тадқиқ этилганлигидан далолат беради.

• • •

БРАЗИЛИА. Жаҳоннинг энг катта дарёси бўлмиш Амазонкада таниқли француз океанографи Жак-Ив Кусто бошчилигидаги илмий экспедиция иш бошлади. Дарё дельтасида жойлашган Белен портига «Калипсо» кемаси келди. Бу кемадаги бразилиялик ва франциялик олимлар бир йил мобайнида Амазонканинг наботот ва ҳайвонот оламини ўрганадилар. Экспедиция қатнашчилари унинг иши тўғрисида ҳужжатли фильм суратга олиш ниятидадирлар.

• • •

КУАЛА-ЛУМП У Р. Малайзия транспорт министрлигининг маълумотларига кўра, мамлакат йўлларида ҳар йили 3 мингга яқин киши нобуд бўлмоқда. Малайзия йўл-транспорт ҳодисаларининг сони жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

(ТАСС)

«РЕЙГАН—ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ»

ВАШИНГТОН. Бултур Рейган маъмурияти Польшадаги воқеаларни баҳона қилиб, Совет Иттифоқига қарши жорий этган камситувчи савдо-сотиқ ва иқтисодий жазо чоралар Қўшма Штатларнинг ўзида жуда катта зарар етказди. АҚШ саноат машина-ускуналарининг муайян турларини Совет Иттифоқига экспорт этишни ҳукумат тақиқлаганлиги натижасида ярим йилнинг ўзидагина қарийб 850 миллион доллар зарар кўрди.

Маъмурият СССРга қарши иқтисодий «жазо чоралар»ни жорий этиш оқибатларини вакиллар палатаси ташқи ишлар комиссиясининг икки кичик комиссиясида тинглаш чоғида шу рақамлар айтилди. Мажлисда конгресс аъзоси П. Финдли (Иллинойс штатидан республикачи) гапириб, бу жазо чоралар АҚШга каттагина салбий таъсир кўрсатди, деб таъкидлади. Рейган ҳукумати, деди у, аслида Картер маъмуриятининг йўлидан борди. Бу маъмуриятнинг СССРга дон сотишни тақиқлаб қўйганлиги натижасида АҚШда 300 минг ишчи ўрни йўқ бўлди ва 11,4 миллиард доллар моддий зарар кўрилди.

Рейганнинг «жазо чоралари» натижасида, деди П. Финдли, «Катерпиллер трактор» компанияси Совет Иттифоқига қувур ётқизадиган 200 та машина сотиш учун тузилган шартномани бажариш имкониятидан маҳрум бўлиб, 90 миллион доллар зарар кўрди.

«Катерпиллер трактор» компаниясининг раҳбарларидан бири Р. Коел маъмуриятнинг бу чораларини «ўз оёгига болта уриш» деб атади. Бу чораларни қабул қилиш натижасида компаниянинг мўлжалдаги олди-соттидагина эмас шу билан бирга ўзига бундан буён юбориладиган машина-ускуналар тўғрисида «ғоятда сермазмун музокаралардан» ҳам воз кечишга тўғри келди. «Катерпиллер трактор» компаниясининг рақобатчилик қобилиятига путур етказилди. Бундан ташқари ушбу компания ва Америкадаги бошқа фирмаларнинг обрўсига ғоятда жиддий ва ўнглаб олиш қийин зарар етказилди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали экранларида

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали экранларида Мексика кино усталари томонидан яратилган кўптина ранг-баранг бадиий ленталар ҳам намойиш этилди. Ана шундай фильмлардан бири Мексика экран усталари томонидан Тошкент фестивалига тавсия этилган «Гаррибальди майдони» картинасидир. Фильмда Мексикада истиқомат қилаётган оч-яланғоч, юпун болаларнинг бугунги аҳволи ҳақида, уларнинг аянчли қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Пойтахтдан олис шаҳарда истиқомат қилаётган бола аввал отаси, сўнгра онасидан ажралгач, уч юз километр олисдаги Мехико шаҳрига ниёда йўл олади. У бу ерда бирдан-бир таянчи бўлиши мумкин бўлган холасини излаб-моқчи. Марҳум онаси унга Гаррибальди майдонидаги ресторанлардан бирида ҳоласи ишлашини айтган. У олис йўлда ниёда бораркан роса ҳолдан тояди, оёқлари чалишиб кетади, асфальт йўлдан тинимсиз ўтиб турган машиналарга у қўл кўтара олмайди. Чунки ёнида бир чакаси йўқ. Боланинг бундай ночор аҳволда кетаётганига кўзи тушган юк машинаси ҳайдовчиси унга раҳми келиб, бола миндириб олади.

Ниҳоят Гаррибальди майдонига етиб келган бола холасини ахтариб бормаган жойи қолмайди. Лекин тополмайди. Шунда у полиция қувлаётган ўғри болага қўшилиб қочиб, у билан танишиб олади. Ўғри унинг ҳеч кими ва бошпанаси йўқлиги, ўзига ўхшаган оч-юпунлиги учун фақат ўғрилик билан кун кўраётган болалар тўдасига олиб келади. Ўғрилар бошлиғи кекса ёшли олам ўндан ортиқ ёш-ёш кимсасиз болаларга хомийлик қилади. Бу болаларнинг борадиган бирор жойи йўқ, ишлайдиган иш жойи ҳам йўқ. Улар қандай бўлмасин кун кечириши лозим эди. Ўғрибоши қилаётган иш қонунга зид бўлсада, ҳам ўз оиласини, ҳам кимсасиз болаларни боқиш, кийинтириш учун уларни ўғриликка ундаб туради.

Холасини излаб келган бола дастлаб ўғрилик қилишга қўли бормайди. Чунки у яхши тарбия олган. Шу боисдан унга яхши овози бўлганлиги учун кўшиқ айтиб одамларни чалғитиб топширилади. Бола қўшиқ айтиб ҳаммани маҳлиё қилиб турган пайтда шериклари одамларнинг чўнтаги ва сумкаларини кавлаштиришади. Кунларнинг бирида ўғрилар тўдасига янги қўшилган бу бола биринчи марта ўғрилик қилаётиб қўлга тушади. Лекин кекса ўғрибоши ялиниб-ёлвориб, ёлғон сўзлар билан полиция ходимини авраб болаларни қутқаради. Лекин унинг ўрни тутадиган линия ҳам мавжуд. Бу гўзал хонимга қарашли ресторан иш бошқарувчисига алоқадор эпизодлар бўлиб, унда тобора ҳаракатлари ошиб кетаётган иш бошқарувчининг комиссия келишидан даҳшатга тушиб ресторан эгаси уйига ўғриликка киришни тавсия қилади.

• Фестиваль экрани

ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ

Мексика болаларининг аянчли қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи картина ана шундай яхши якунланганига қарамай, ундаги фидаий тасодифий воқеалар зиммасига ҳал этилган. Фильм авторлари картинанинг муваффақиятли якунини ана шундай тасодиф асосига қуриш билан ҳам ҳали ҳаётда ҳукм сураётган тенгсизлик ва аччиқ қисмат ҳар доим ҳам яхши натижа беравермаслигини таъкидлашади. Фильм томошабинда Мексика болалари аччиқ турмушига нисбатан ҳайрихоҳлик пайдо этса, иккинчи томондан ўзаро тенглик ва адолат учун кураш ишига ҳисса қўшишга даъват этади.

Мексика кинематографчилари фестиваль экранига тавсия этган бошқа фильмларда ҳам ана шу ғоявий мақсад тўла очиб берилган. Жумладан, совет кинорежиссери Сергей Бондарчук томонидан экранлаштирилган Совет-Мексика ҳамкорликдаги фильми «Қизил қўнғироқлар»да таниқли Америка ёзувчиси Жон Риднинг Мексика революцияси воқеаларида иштирок этиши, революция арафасидаги халқ ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Халқаро Тошкент кинофестивалида иштирок этган мексикалик кинематографчилар бу фильм Мексиканинг ҳамма жойида катта муваффақият билан намойиш этилганлигини, шунингдек бундан буён ҳам ушбу кинозалнинг давомини ишлашда ва бошқа қатор фильмлар яратишда ижодий ҳамкорликни янада кучайтиражакларини айтдилар. Мексикадаги «Пеликулос националес» прокат фирмасининг вице-директори ажойиб испан шоири Гарсиа Лорка ҳақида Совет-Мексика фильмини яратишга ахд қилганлигини маълум қилди. Бу ижодий режалар халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшган Халқаро Тошкент фестивалида туғилганлиги жиҳатидан ҳам муҳим, аҳамиятга эга.

М. АБДУЛЛАЕВ.



Одоб—инсон ҳусни

ФАРЗАНДИНГИЗ ҚОБИЛ БЎЛСИН

Инсон камолотга етгунча паст-баландни, аччиқ-ширинни кўради. Одоб-ахлоқли, ақлли-ҳушли, теран фикрли, одамлар қалбини тушунадиган инсон чинакам гўзал инсондир. Ўз қадр-қимматини билмаган одам эса, бировлар ҳурматини, ҳатто ўз ота-онасининг ҳам қадрини билмайди. Баъзан орамизда ана шундай худбинлар ҳам учраб туради.

Мен яқинда бир танишимни учратиб қолдим. Табиийки, ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Хўш, соғлиқ қалай? Кампир-чоллар бақувватми? — сўрадим ундан.

— Соғлиқ-ку ёмон эмас-а, аммо ўша кампир-чоллар жонга тегиб кетдида,— хўмрайиб жавоб қилди танишим.

—Йўғ-э! Нима деяпсан, ота-она ҳам жонга тегадими? — ғоят ажабландим.

У, «Сен тушунмайсан» дегандай қўлини силтаб қўйди. Мен ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Наҳотки шу гапни мен сиртдан сийлаб юрадиган, яхши характерли деб ўйлайдиган танишим айтди?! Ахир у педагог, институтни битирган, олий маълумотли киши-ку. Ўз ота-онаси «жонига теккан» бу ўқитувчи синфга кириб, болаларга: «Ота-оналарингни ҳурмат қилинглар», деб қайси тил билан айтади, ахир!?

Танишимнинг «тотли» гапи ўз бошимдан кечган бир воқеани эсимга туширди.

...1943 йилнинг 11 декабрь куни Новгород шаҳарчасини озод қилган бизнинг 281-гвардиячи ўқчи қисмимиз ўша ерда озгина дам олди-да, ярим кечада яна йўлга тушди. Олдимизда стратегик аҳамиятга эга бўлган Михайловка қишлоғи. Мен билан ёнма-ён Тошкент педагогика билим юртида бирга ўқиган қадрдон дўстим Тошқин Жўлаев, ундан нари Михаил Аносов, Вася амаки ва бошқалар. Душман маррасига ярим километр қолганда фашистлар қўққисдан шундай ўқ ёғдирди-ки, тўё сел қуйгандай бўлиб кетди. Жонажон дўстим Тошқин ўққа учди, яна бир қанча жанговар дўстларим халок бўлди, яраланиб йиқилди. Алам ва газабдан анча олдин кетиб қолдик. Афсуски, ўнг оёғимдан яраланиб қор устига ағдарилиб тушдим. Ўша дамда қишлоғимизга қайтиб келарканман, янгиликнинг, хушхабарнинг доимий хабарчилари бўлган болалар менинг келаётганимни онажонимга етказишибди. Уйимиз қишлоқнинг бир чеккасидаги тепаликда эди. Дарвозамиздан ўқдай отилиб чиққан онам гўё ёлдай учиб менга томон югурарди. Бошидан рўмоли тушиб қолди, кумушранг сочлари тўзиб кетди, лекин: «Болам, болагинам!» дея ҳамон югурарди. Оёғимнинг ярасига ҳам парво қилмай, бор кучим билан мен ҳам чопдим. Бир-биримизга етишимизга озгина қолганда онам ҳушидан кетиб йиқилди. Чап қўлимдан ҳам оғир яраланганимга қарамай, етиб келиб, онажонимни ердан даст кўтариб олдим. Ажин қоплаган, меҳнатда қорайган юзларидан ўпиб, оппоқ сочларини кўзимга суртдим, ҳўнграб йиғладим. Ҳа, йиғладим, тўлиб-тўлиб йиғладим.

Оталарининг жанг-даги мислсиз жасорати, оналарининг фронт орқасидаги мардона меҳнати туфайли ғалаба қозонилганлиги, ёшларнинг фидокорлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Эндиликда тинч ҳаёт кечираётган бир пайтимизда, ота ва онани ўн барвар, юз баравар ҳурмат қилиш, уларга хизмат қилиш керак ва шарт! Ахир, шу бахтли ҳаётимиз ўшаларнинг жангдаги жасорати, меҳнатдаги мардлиги, шижоати туфайли-ку!

Хўш, «Кампир-чоллар жонга тегди» деган гапни айтган ҳудбин ўғилга нима деса бўлади? Унга нафрат тошларини отиш керак, садқайи фарзанд кет дейиш керак. Ота-онани хафа қиладиган, уларга ҳақоратлайдиган, улар ҳолидан хабар олмай, интизор қиладиган фарзандни инсон деййшга тил бормайди!

Донишмандлар: «Эл рози—ота-она рози, ота-она рози — эл рови», «Олтининг эскиси бўлмас, ота-онанинг баҳоси», «Ўғил-қиз яхши иш қилса, ким қувонар ота-онадек?», «Олти қун оч қолсанг ҳам, ота-онангни меҳмон қил» деб бекорга айтмаганлар.

Ота-онасини эъзозлаётган, уларнинг қош-қовоғига қараб, одоби, меҳнати, садоқати билан қилаётган ўғил-қизлар ҳисобсиз. Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхозда ёши саксондан ошиб кетган Сайилбуви Жўраева исмли меҳрибон онахон яшайди. Улуғ Ватан уруши бошланганда эри уста Ғани ака, катта ўғли Умаржонни фронтга кузатиб қўйган Сайилбуви жўкабирдай фарзандлари билан қолди. У кун бўйи далада — пахтазорда ишлади, кечалари эса ой ёруғида ўғлари ўхшаган аёллар билан бирга арпа-буғдой ўрди. Энди ўн-ўн бирга кирган Ўсаржон онасига ёрдамлашар, ука-сингилларига қарар, чарчаганда бугдойзорда кесакни ёстиқ қилиб ухлаб қоларди. Она ўзи емаса ҳам болаларига едирди, ўзи кийимаса ҳам фарзандларини кийинтирди, унинг устига вақти-вақти билан топган-тутганини фронтдагиларга жўнатиб турди. Не-не қийинчиликларга бардош берди. Эндиликда Сайилбувининг нуроний юзи кулгига, кекса қалби қувончга тўла.

Ўсаржон колхознинг доимдор механизатори, кўксида «Ҳурмат белгиси» ордени, бир неча медаллар ярқираб турибди. Сайилбувининг фронтга кетган эри билан ўғли ҳам соғ-саломат қайтиб келишган. Бошқа ўғил-қизлари ҳам одобли, меҳнатсевар, қобил бўлиб ўсишди. Невара-чевараларининг ҳам тобора кўпайишиб бормоқда. Оналарини ардоқлаётган, кексайганда бахт, давлат бағишлаётган Сайилбувининг ўғил-қизларига эл-юрт - раҳмат айтмоқда, кўплар бу аҳил оиладан ўрнак олмоқда.

Озарбайжонлик р. д. а: «Кафтингда тухум қовуриб берсанг ҳам ота-онангнинг қарзидан қутулолмайсан» деган нақл бор. Ҳа, Қобил фарзанд ота-онасига бир умр хизмат қилади, хурсанд қилади, дил розини олади.

Ота-онанинг муқаддас меҳр-муҳаббатини, машаққатли меҳнатини билган, қадрлаган фарзанд ҳеч қачон завол кўрмайди. Меҳрибон, меҳрли, ота-онасига оқибатли фарзанд уларга доим қанот бўлади.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари кандидати.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК!

УНДАЙ ДЕМАНГ

Эр-хотин анча вақтгача жаҳдаллашишди ва ниҳоят эрнинг ҳуноби чиқди:

— Нима, менинг қариндош-уруғларимдан биронтасини ҳам ёқтирмайсанми?

— Нега ундай дейсиз, ахир қайнатангиз билан қайнонангизни яхши кўраман-ку?

САДОҚАТЛИ КУЁВ

Янги келин бўдан қуёв сафарга қилиш учун йўлга чиқишди. Поездда тушга тушиб, келин эрининг қулоғига шивирлади:

—Жонгинам, одамларга ўзимизни кўпдан бери бирга яшаётгандай кўрсатайлик, хўпми?

— Хўп, жонгинам. Унда ўз чамадонингни ўзинг кўтар!

КЕЧИРАСИЗ

Қулоғи оғирроқ бир аёл доктордан сўради:

—Кўрган ҳақингизга неча сўм берай?

—Эллик шиллинг.

— Кечирасиз, яхши эшитмадим, етмиш шиллинг, дединигизми?

—Йўқ, хоним, олтмиш шиллинг дедим.

О. КАРИМОВА
тайёрлаган.



Бахтли болаликни яратиб берган доҳиймиз В. И. Ленинининг бутун ҳаёти ёшлар учун доим ибратдир. Фарзандларимиз доҳиймизнинг ҳаёти ва революцион фаолиятини қизиқиш билан ўрганадилар, унинг васиятларини дилга жо этадилар.

СУРАТДА: ўқувчи ёшлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалида доҳий ҳайкалини завқ билан кузатишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• Уй-рўзғор ташвишида

ХОНАНИ БЎЯСАНГИЗ

Хонани ремонт қилиш, полни бўяш, мебелни янгилаш учун ҳар хил бўёқлар ишлатилади. Бўёқни моддалар кўп ҳолларда безарар бўлади. Бироқ, бўёқ тайёрлаш учун мой, лак, эритувчи модда ёки бошқа суюқликлар (ацетон, скипидар, пснлол ва ҳоказолар) ишлатилади, бу моддалар соғлиққа зиён қилиши мумкин.

Хонада қанчалик катта юза бўлса, эритувчи модданинг ҳаводаги концентрацияси шунчалик кўп бўлади, бу эса заҳарланиш хавфини оширади. Шунинг учун бўлиши бошладиган олдин хонадаги ҳамма озиқ-овқат маҳсулотларини шкафга, холодильникка қўйиб қўйинг. Хонадаги гулларни, акварқумни ташқарига олиб чиқинг. Ишлаётган пайтда хонани яхшилаб шамоллатиб туринг. Бўёқ ҳиди бутунлай кетгандан кейингина хонага кириш мумкин.

Кўпгина эритувчи моддалар ва лак-бўёқ материаллари тез ёниб кетадиган бўлади. Шунинг учун бўёқ билан ишлаётган хонада, ҳатто бу ерга яқин жойда ҳам асло чекманг ёки олов ёқманг (газ, керосин ва ҳоказо).

Ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, шунингдек жигар, нафас йўллари, юрак ва томирнинг сурункали касаллигига учраган кишилар учун бўёқ, лак ва эритувчи моддалар билан ишлаш тавсия этилмайди.

М. ОРИФЖОНОВА.

Қизиқарли пазандалик

ОЗ ЭНЕРГИЯ САРФЛАБ

Пазандаликда энг кўп исроф бўладиган нарса бу — энергиядир. Ёқилғидан ҳосил бўлган иссиқлик овқат пишираётганда идишларнинг фақатгина остки юзасига таъсир қилади холос. Бунда жаъми иссиқликнинг 30 дан 50 фойзигина фойдали коэффициентга эга бўлиб, қолган 50—70 фойзи ҳеч кимга кераксиз аланга сифатида атмосферага учиб кетади.

Ҳозир фан-техника равнақи авжида, ғоят мураккаб конструкцияли, станок, аппарат, машина ва ракеталарга эгамиз, бироқ овқат пишириладиган оддий қозон ёки кастрюлка замонавий талабга жавоб бермайди. Остига олов ёқиладиган идишларнинг жаҳон миқёсида, бир часида 50 дан 70 процентгача иссиқлик беҳуда сарф бўлаётганлигини ҳисобга олсак, бу XX аср пазандалари учун ҳадсиз ноқобилик ва р. Шунинг учун олимлар ўтин, кўмир, нефть маҳсулотлари, табиий газ ва электр энергияси ёниб овқат пиширладиган идишларнинг фойдали коэффициентини ошириш учун янги конструкциялар тўғрисида бош қотирмоқдалар. XXI асрда қозон ва кострюлкалар мутлақо бошқача, яъни оз энергия ва оз вақт сарфлаб тез овқат пиширладиган қилиб ишланади.



Тошкентда «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида ўтаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кинофестивали муваффақият билан якунланмоқда.

СУРАТДА: фестиваль қатнашчиларидан бир группаси томошабинлар даврасида.

М. Нуриддинов фотоси.

СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

ДАЪВАТКОР КУЧ

С. ЧУҚМОРОВ,
СССР халқ артисти, Қирғизистон ССР.

—Мен қуёшли Ўзбекистон пойтахтида Халқаро киноанжуманни фақатгина ўзбек кинематографчилари учунгина эмас, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозогистон кинематографчилари учун ҳам катта байрам деб биламан. Тошкентда Халқаро кинофестиваль ўтказилаётганлиги Совет ҳокимияти йилларида барча миллий республикаларда санъатнинг ҳамма соҳаси янада гуллаб-яшнаётганлигининг ёрқин рамзи ҳамдир. Биз қирғиз кинематографчилари ана шунинг учун ҳам ўзимизнинг энг яхши фильмларимизни Тошкент фестивалида намойиш этишни, жаҳоннинг таниқли кино арбоблари фикр-мулоҳазаларини эшитишни, улар билан ижодий суҳбатлар қуришни ўзимизга катта фахр деб биламиз.

Қирғиз кинематографчилари VII Халқаро Тошкент фестивалига «Аёлларсиз эркаклар» номли янги фильмни олиб келди. Юксак тоғлар бағрида гидроиншоотлар қурилишида меҳнат қилаётган жасоратли кишилар ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильмда мен бош ролни ижро этганман. Бу фильм илгари сураётган ғоявий мақсади жиҳатидан Тошкент фестивали руҳига ҳар жиҳатдан ҳамоҳангдир.

Фестивалнинг муваффақиятли иш олиб боришни учун уч қитъа кино арбоблари ва фестиваль меҳмонлари учун барча шарт-шароитлар тайёрланганлиги, фестивални олижаноб мақсадлар йўлида катта ташкилотчилик билан ўтказиш ишига ўзбекистонлик киносанъаткорлар катта масъулият билан қараганликлари, барча ташкилий ишлар муваффақиятли ҳал этилганлиги биз фестиваль қатнашчиларини ғоят хурсанд қилди. Мен Тошкентни ўз она шаҳримдек севиб қолганман. Унинг боғлари ва проспектлари, меҳмонхона ва кинотеатрлари ҳозирги баҳор кунларида, Халқаро фестиваль ўтаётган шу ажойиб дамларда янада гўзаллашиб кетибди. Бу Тошкентга ташриф буюрган жаҳоннинг барча киносанъаткорлари, фестиваль меҳмонлари ва журналистларни, санъат намояндаларини халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчлик учун курашга катта ҳисса қўшишга, муштарак мақсадларга хизмат қиладиган бадиий жиҳатдан юксак савияли кино асарлари яратишга даъват этади.

Яна бир сюжет линияси давом эттиришади. Мажруҳлигидан юролмайдиган гўзал хоним аравачада турганида боланинг шерикларидан бири унинг сумкасини олиб қочади. Уларни яна полиция тутиш эҳтимоли борлигини кўрган бола шерити ташлаб кетган сумкани гўзал хонимга келтириб беради. Хоним болага ўз адресини беради.

Фильм воқеалари ривожланган сайин қаҳрамонлар ўртасидаги драматик вазиятлар янада кескинлашиб боради. Ўғрилар тўдасига яна бир бошқа ҳалдан ташқари ноинсоф ўғрилар галаси келиб кўшилмоқчи бўлади. Улар тирикчиликка яраша кун кўраётган бу болаларнинг ризқига кўз олайтиришади. Улар ўртасида олишув бўлади. Шунда болани дастлаб Мехикога олиб келган юк машина ҳайдовчиси қутқариб қолади. Лекин иккинчи гуруҳ баднафс ўғрилар тўдаси бошлиғи болалар ҳомийсини ўлдириш ,унинг қўлга киритган озми-кўпми тирикчилик анжомларини эгаллаш учун ҳила-найранг ва дўқ-пўписа йўлига ўтади. Охир-оқибатда болалар ҳомийсини ўлдирмоқчи бўлиб пичоқ уради. Шунда бола адресини бериб кетган гўзал хоним уйига боришга мажбур бўлади. Ундан ўзларининг ҳомийсини ўлимдан сақлаб қолишда ёрдам беришини илтимос қилади...

«Гаррибальди майдони» фильмида ана шу асосий сюжет линиясига параллел равишда яна бир эпизодик ва айни пайтда фильм композициясида асосий ўринни тутадиган бола ҳам мавжуд. Бу гўзал хонимга қарашли ресторан иш бошқарувчисига алоқадор эпизодлар бўлиб, унда тобора ҳаракатлари ошиб кетаётган иш бошқарувчининг комиссия келишидан даҳшатга тушиб ресторан эгаси уйига ўғриликка киришни тавсия қилади. Бола ҳам яна ўзининг шўх-шўх қўшиқларини куйлай бошлайди.

Мексика болаларининг аянчли қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи картина ана шундай яхши якунланганига қарамай, ундаги фидаий тасодифий воқеалар зиммасига ҳал этилган. Фильм авторлари картинанинг муваффақиятли якунини ана шундай тасодиф асосига қуриш билан ҳам ҳали ҳаётда ҳукм сураётган тенгсизлик ва аччиқ қисмат ҳар доим ҳам яхши натижа беравермаслигини таъкидлашади. Фильм томошабинда Мексика болалари аччиқ турмушига нисбатан ҳайрихоҳлик пайдо этса, иккинчи томондан ўзаро тенглик ва адолат учун курош ишига ҳисса қўшишга даъват этади.

Мексика кинематографчилари фестиваль экранига тавсия этган бошқа фильмларда ҳам ана шу ғоявий мақсад тўла очиб берилган. Жумладан, совет кинорежиссери Сергей Бондарчук томонидан экранлаштирилган Совет-Мексика ҳамкорликдаги фильми «Қизил қўнғироқлар»да таниқли Америка ёзувчиси Жон Риднинг Мексика революцияси воқеаларида иштирок этиши, революция арафасидаги халқ ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Халқаро Тошкент кинофестивалида иштирок этган мексикалик кинематографчилар бу фильм Мексиканинг ҳамма жойида катта муваффақият билан намойиш этилганлигини, шунингдек бундан буён ҳам ушбу кинозалнинг давомини ишлашда ва бошқа қатор фильмлар яратишда ижодий ҳамкорликни янада кучайтиражакларини айтдилар. Мексикадаги «Пеликулос националес» прокат фирмасининг вице-директори ажойиб испан шоири Гарсиа Лорка ҳақида Совет-Мексика фильмини яратишга ахд қилганлигини маълум қилди. Бу ижодий режалар халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшган Халқаро Тошкент фестивалида туғилганлиги жиҳатидан ҳам муҳим, аҳамиятга эга.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ОЛИЙ УҚУВ ЮРТЛАРИДА

МАРОҚЛИ ЛЕКЦИЯЛАР

Фридрих Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари ва студентлари ҳузурида Ленинград, Киев, Минск шаҳар марказий педагогика институтларининг тилшунос олимлари ўз лекция ва суҳбатлари билан амалий ёрдам бериб келмоқдалар.

Куни кеча М. Торез номидаги Москва Давлат чет тиллар педагогика институтига Киев Давлат чет тиллар педагогика институти олимлари ташриф буюрдилар. Айниқса, москвалик олима, таржима назарияси кафедрасининг мудираси, филология фанлари доктори, профессор Ирина Георгиевна Леонтьеванинг «Социолингвистика проблемаларига доир», «Интонация», «Текст, подтекст, эмоционаллик» мавзуларидаги, шунингдек, киевлик олима, француз тили нутқ практикаси кафедрасининг мудираси, филология фанлари доктори, профессор Мария Максимовна Бобирёванинг «Ҳозирги замон француз тилида гап типологияси тўғрисида», «Роман тилларида предлоглар функцияси», «Француз, испан ва итальян тиллари содда ва қўшма гапларида сўз тартиби», «Қўшма гап компонентлари орасида нисбий алоқанинг ўзаро таъсири» каби мавзуларидаги лекция ва суҳбатлари тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди.

С. РИЗАЕВ.

ТО ЎҚИРМАНЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

О. НАЗАРОВ: Менинг «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси» деган гувоҳномам жуда эскириб кетди. Уни янгисига алмаштиришим мумкинми?

Жавоб: Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига гувоҳномаларни бериш ёки уни алмаштириш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан ўзлари истиқомат қилиб турган жойлардаги район ҳарбий комиссариатларига бориб учрашишлари керак.

* * *

Н. ПИРИМҚУЛОВА, М. ҲИКМАТОВА: Бизларни бир ёшгача болалари бўлган аёлларга бериладиган имтиёзлар қизиқтиради. Илтимосимизни бажо келтирсангиз.

Жавоб: Бир ёшгача болалари бўлган аёлларга қонун томонидан эмизикли оналарга бериладиган «ҳомиладор аёлларга ва эмизикли оналарга бериладиган имтиёзлар) дан ташқари, уларнинг илтимосига кўра, болалари бир ёшга тўлгунча иш ҳақи сақланмайдиган отпуска берилади. Бу отпускадан исталган вақтда тўла ёки қисмларга бўлиб фойдаланиш мумкин (отпуска вақтида иш жойи, лавозими сақланади). Бундай отпуска умумий стажга ва узлуксиз меҳнат стажига, ихтисоси бўйича меҳнат стажи ҳисобланади (масалан, айрим категория ходимлар — врачлар, ўқитувчилар ва бошқаларнинг маошларини белгилаш вақтида), лекин ҳақ тўланадиган йиллик отпуска олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига кирмайди. Бевосита туғруқхонадан фарзандликка бола олган аёлга ҳар ҳам қўшимча отпуска олишга ҳақлидирлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1981 йил 22 майдаги «Болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 1981 йилдан бошлаб ишлаб турган ва умумий меҳнат стажи бир йилдан кам бўлмаган оналарга, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган аёлларга бола бир ёшга тўлгунча уни боқиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуска мамлакатнинг районлари бўйича босқичма-босқич жорий этилади. Бу отпуска учун Узоқ Шарқ, Сибирь ва Шимолий районларда ойига 50 сўм миқдорида ва бошқа районларда ойига 35 сўм миқдорида ҳақ тўланади. Ишлаб турган аёлларга мазкур отпускани жорий этиш билан бир вақтда бола бир ярим ёшга тўлгунча, кейинчалик эса икки ёшга тўлгунча уни боқиш учун иш ҳақи тўланмаслик шарти билан қўшимча отпуска олиш ҳуқуқи берилади, унда узлуксиз меҳнат стажи ва ихтисос бўйича иш стажи сақланиб қолади. Ўн иккинчи беш йилликда чақалоқларни ва гўдакларни боқиш учун отпуска муддатини узайтириш ва отпуска ҳақи миқдорини кўпайтириш борасидаги тадбирларни амалга оширишни давом эттириш кўзда тутилган.

* * *

Т. РАҲМОНОВ: Парашют спорти билан шуғулланмоқчиман. Шу масалада қаерга мурожаат қилсам бўлади?

Жавоб: Бунинг учун Сиз аэроклубга мурожаат этинг. У шаҳримизнинг Халқлар дўстлиги проспектида 28-уйда жойлашган.

* * *

Б. ЭШОНҲЎЖАЕВ: Айтингчи, футбол бўйича СССР терма командаси ўзининг биринчи ўйинини Испаниянинг қайси шаҳрида ўтказади?

Жавоб: СССР терма командаси ўзининг биринчи ўйинини 14 июнда Севилья шаҳрида Бразилия терма командасига қарши ўтказади.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

3 ЮШКЕНТ вечерний

3 ИЮНЬ, 1982 й.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

НОН ҲАМИША АЗИЗ БЎЛГАН



БУГУН, ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН, ҚУЙИДА ХУДДИ АНА ШУ «БУЮК ИХТИРО», УНИНГ ТАРИХИ, НОННИНГ БУГУНГИ ҚАДР-ҚИММАТИ ҲАҚИДА ФИКРЛАШМОҚЧИМИЗ.

Кишилар қадим замонлардан нонга алоҳида муносабатда бўлиб, уни олтинга, қуёшга, ҳаётга қиёслаб келганлар. Нонни тежаб-тергаганлар, унинг шарафига мадҳиялар ўқиганлар, нон билан меҳмонларни кутганлар.

БУГУНГИ КУН НОНИ ҚАНДАЙ ВА У ҚАНДАЙ ЁПИЛАДИ?

Улуғ рус олими Климент Аркадьевич Тимирязев шундай деган эди: «Биз энг ажойиб-гаройиб фактларга ҳам эътибор бермаймиз, чунки улар ниҳоятда оддий нарсалардир. Инсоният заковати ихтиро этган энг буюк ихтиролардан бири бўлган, ажойиб қилиб ёпилган бугдой нонни дастурхонда ушатганимизда бу ҳақда сира ўйлаб кўрганимизми?».

НОН ТЎҒРИСИДА БИЗ НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Кремлдаги «нон саройи» бир кунда 5 тонна нон ёпган ва у билан қарийб 5 минг кишини боққан. Совет даврида қурилган нон заводларининг ҳар бири кеча кундузда 300 — 500 тонна нон ишлаб чиқаради.

Мамлакатимизда 600 номда нон маҳсулотлари чиқади.

Сулидан ёки сули—бугдой аралашма унидан ёпилган нонлар— кенг тарқалмоқда. Майин тортилган ундан тайёрланган нон ўзининг яхши таъми, мазаси, чўзилувчанлиги, ёқимли ҳиди билан ажралиб туради. Нонининг Бородин, Минск навлари жуда чиройли, пўрсилдоқ бўлади ва узоқ вақт қотмай сақланади.

Бугдой унидан қолипли ва қолипсиз нонлар ёпилади. Яхши навли нонлар рецептурасига сут маҳсулотлари, шакар, маргарин киради.

Майда дона нон маҳсулотлари— рожки, рогалик, булочкалар жуда кенг расм бўлган.

Турли касалликларга мўътало кишилар учун махсус навли нонлар ишлаб чиқарилади. Ана шу нон ва нон маҳсулотларининг рецептураси ҳар хил бўлиб, уларга туз солинмаган, хлориддан ҳоли нонлар, кислоталилик даражаси пасайтирилган булочка, оқ нон ва моддалар турли миқдорда қўшиб тайёрланган нон маҳсулотлари киради.

НОН НЕЧА ЁШДА?

Инсон галла экинларини йиғиштириб ола бошлаган ва уларни ўстира бошлаган 16 минг йилдан энёд муқаддам ер юзида нон пайдо бўлган. Аввал кишилар донни хом ҳолида истеъмол қилишган. Кейин уни икки тош ўртасида эзиш ва сув билан аралаштиришни ўрганишган, олов пайдо бўлиши билан эса дон бўтқасидан нон ёпадиган бўлишган. Орадан кўп минг йиллар ўтиб, қадимги Мисрда биринчи марта оширилган хамирдан фойдаланиш расм бўлди. Нон ёпиш санъати кейинроқ мисрликлардан грекслар ва римликларга ўтди.

НОН ТЎҒРИСИДА ҚИЗИҚ ФАКТЛАР

«Нон» сўзи келиб чиқиш жиҳатидан қадимги Греция новвойлари номи билан боғланган, улар нонни тайёрлашда махсус шаклли идиш-товалардан фойдаланишган. Идиш эса «клибанос» деб аталган.

Франция қироли Генрих V ўз титулига яна бир ном — «нон», «нон қироли» номини ҳам қўшган эди. Бу билан фуқарони ким нон билан таъминлаганига ишора қилган эди. Демак, қирол энг улуғ ҳукмрон ҳисобланган.

Гомернинг гувоҳлик беришича, қадимги Грецияда оқсуякларни нонга мутлақо мустақил таом ҳисоблашган ва уни бошқа таомлардан алоҳида тановул қилишган.

Қадим замонда нонга кўпгина халқларда қуёш ва олтин сифатида қаралиб, у ягона рамзий белги—ўртадаги доира нуқта шаклида ифодаланган.

Қадимги Римда бир неча катта новвойхона ташкил этилган, авлод-аждоди нон ёпиш билан шуғулланган новвойга 2 минг йил муқаддам ёдгорлик ўрнатилган. Ёдгорлик ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган.

Энг йирик новвойхона Измайловода бўлиб, у подшо саройи ихтиёрида бўлган ва «нон саройи» деб номланган. У палаталарга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирида маълум хил нон тайёрланган.

Ўрта аср бошларида кўпгина Европа мамлакатларида нонининг янгилик даражаси ва социал аҳвол ўртасида уни тановул қилиш жиҳатидан жуда катта фарқ бўлган. Қирол онласи фақат янги ёпилган нонни тановул қилган. Кеча ёпилган нон олий табақага, икки кун олдин ёпилган нон майда дворянларга, уч кун олдин ёпилган нон эса монах ва мактаб ўқувчиларига белгилаб қўйилган.

Қадимги Греция ва қадимги Мисрда нонининг шифобахш ролига алоҳида аҳамият беришган. У ошқозон касалига малҳам бўлади, деб ҳисоблаганлар. Бир қатор қадимги табиблар нонининг фақат бир увоғининг ўзи ҳам ошқозон оғригини қолдиради, деб ишонтиришган.

Оттоман империясида новвойнинг алдоқчилиги қаттиқ жазоланган. Уни арқонга боғлаб, ўғирлик моли билан бирга кўчада сазойи қилганлар.

Қадимги Ҳиндистонда эрамизнинг дастлабки асрларида жиноятчиларга маълум вақтгача нон ейишни таъқиқлаш





билан уларни жазолаганлар. Нон бермаслик муддати жиноятнинг оғир-енгиллигига қараб белгиланган.

НОННИНГ СИФАТИНИ ҚАНДАЙ КУЗАТГАНЛАР?

Москва князлиги шаҳарларида нон савдосига баҳолар ва сотилаётган нон маҳсулотларининг сифати учун ҳукумат назорати ўрнатилган эди.

Мабодо нонни назорат қилувчилар нон ва калачлар белгиланган оғирликка мувофиқ бўлмаса, ёки тасдиқланган нархдан юқори баҳода сотилаётганлигини аниқласалар, у ҳолда чоризм фармойишига мувофиқ айбдорларга жарима солинган. Айбдордан турли суммадаги пул жаримаси ундирилган. Ҳаддан энёд жиноят қилган айбдор тан жазоси билан жазоланган. Назоратчилар «...нонининг сифатини ҳамма жиҳатдан бекамикўст текширишлари керак эди».

РУСЛАРДА НОВВОЙЧИЛИК

Ун биринчи асрдаёқ Россияда сули унидан оширилиб «нордон нон» ёпила бошлаган. Уни тайёрлаш катта санъат бўлган. Уни тайёрлаш махсус ачитқи (кваслар)га асосланган. Нонларни тайёрлаш ғоят махфий сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бундан ташқари, бугдой унидан монастир новвойхоналарида нон ёпишган. XVI асрга келиб новвойлар, нончилар, калачниклар, пирожнийчилар, пряниқчилар, блинчилар ва ситникчиларга бўлинишган.

Москвада катта-катта новвойхоналар ишлаган. Уларни нон ҳовлилари деб аташган. Бу ерда турли печларда катта-катта бугдой нонлари, калачлар, сули буханкалари ёпилган, пироглар ва ватрушкалар тайёрлайдиган алоҳида печлар бўлган.

Кўпгина новвойлар монастирларда ишлаганлар. Уларнинг ҳар бири кунига 900 кишига нон тайёрлар эди.

ЎЗБЕК НОНЛАРИ

Республикамиз новвойларининг маҳсулотлари ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Нон тайёрлашнинг катта санъати, анъаналари қадим замонлардан буёи давом этиб келяпти.

Нон тайёрлаш рецептураси жуда оддий. Ун, ҳамиртуриш ва сув бўлса, бас. Баъзан сув ўрнига сут қўшилади. Бундай оби-нонлардан ташқари ёғ ва тухум қўшиб патир тайёрланади. Бундай нонлар, ўн-ўн беш кун мобайнида яхши сақланади.

Бундан ташқари седана, пиёз солиб ёпилган тандир нонлар элимизда жуда машҳур. Маккажўхори зоғораси унга ошқовоқ қўшиб тайёрланган зоғора, нўхот уни нони ҳам кўпларга ёқади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир республикасида нон ёпишнинг турли хил анъанавий усуллари бор.

НОН ҚАДРИ

Ҳамиша нонга ҳурматсизлик инсон учун катта ҳақорат сифатида қаралган. Нонининг увоғи ҳам нон, дейишади. Одатда ёшликдан кишини ҳар бир бурда нонни авайлаш ва қадрлашга ўргатиб келинади.

МУҲТАРАМА УЙ БЕКАЛАРИ!

Оилангиз эҳтиёжига яраша миқдорда нон сотиб олишга ҳаракат қилинг. Ортиқча олиб, исроф қилманг.

Суви қочган нон, янги нонга нисбатан фойдалидир. Врачлар нонни истеъмол қилишдан олдин сувини қочиришни маслаҳат беришади.

Қотган нонни асло ташлаб юборманг. У моҳир қўлларда қайтадан ажойиб таом бўлади. Бу таомларнинг кўпчилигини осон йўл билан тайёрлаш мумкин.

Қотган нондан масалан, оддий нон талқони ёки қовурма тайёрлашингиз мумкин. Бурдаланган бугдой нон сарёғда икки томони қизаргунча қовурилади. Уни наҳорда чой ёки кофе билан истеъмол қилиш мумкин.

Агар сиз шўр талқон қилмоқчи бўлсангиз, нонни кубикчалар шаклида кесинг ва қовуриш олдидан уларни намокобга ёки сутга ботириб олинг. Турли маҳсулотлардан фойдаланиб, мураккаб талқон тайёрлаш мумкин. Шулардан энг оддийси, одмали талқондир. Бугдой нон бурдаларини ёққа ботиринг, артилган олма солинг, агар унинг устига бир қатлам ёнғоқ сепилса, янада яхши бўлади.

Қотган нонга хилма-хил бошқа маҳсулотлар қўшиб ҳам антиқа таомлар тайёрлаш мумкин. Шулардан бири иштаҳа очар таом сельди (ереванча)дир. Уни тайёрлаш учун қотган нон сувда ёки сутда бўктирилиб, гўшт қиймалагичдан ўтказилади ва хом қаймоқ қўшилади. Сўнг қоришгирилиб, элакдан ўтказилади. Унинг устига янги помидор, петрушка ва пиёзлоқ қўйилади.

Сули ва бугдой нонлари қадимдан суюқ таомлар билан истеъмол қилинган.

Қиймаланган тухумли шўрва. Бунинг учун юз грамм нон майда қилиб кесилади, духовкада қовурилади, яна юз грамм нон ёғда қовурилади. Қозончага қовурилган нон, қуруқ талқон, майдаланган тухум, майда тўғралган укроп ва петрушка кўки, солиб, шўрваси билан дастурхонга тортилади.

Сиз кўп вақт сарфламай, сузма ва сабзи қўшиб нондан таом тайёрлашингиз мумкин. Бурдаланган бугдой нони сутга бўктирилади. Қайнатилган сабзи йирик-йирик қилиб тўғралади. Нон, сабзи, сузма, тухум ва шакар аралаштирилади, сўнгра у ёғ суртилган товага солинади ва 40 минут мобайнида духовкада пиширилади.

Қадимий халқ ичимлиги рус кваси ҳам нондан тайёрланади. У чанқоқни яхши қондиради ва чарчоқни қолдириш хусусиятига эга. Квасни тайёрлаш рецепти кўп. Шулардан бири—лимонли (полякча) квасни тайёрлаш билан танишинг. Қотирилган сули нони қайноқ сувга солинади ва бир неча соат мобайнида димланади. Сўнгра у тиндирилгач, хамиртуриш ва лимон суви (лимон кислотаси) солинади. Бир кеча кундуздан кейин у шишаларга қуйилиб, оғзи маҳкамланади ва уч кун муздай жойда сақланади.

ҲУРМАТЛИ УЙ СОҲИБАЛАРИ!

Қотган нондан таомлар тайёрлаш билан дастурхонимиз ранг-баранг бўлишини таъминлабгина қолмай, балки инсон меҳнатининг энг муҳим маҳсулоти —нонга алоҳида эътибор берганлигингизни ҳам ёдингизда тутинг.









ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент ,— ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар; партия гурмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар —33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

3 ИЮНЬ, 1982 й. Р—07258. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691. 6 .